O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
11 APREL
PAYSHANBA
№ 46 (26.905)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Ислом Каримов,

Сиз билан учрашиш мен учун ғоят катта шараф бўлди. Эҳтиром ва эътиборингиздан бошим кўкка етиб, кўмагингиз ва ҳамфикрлигингиз учун миннатдор эканлигимни маълум қиламан.

Ғамхўрлигингиз учун билдираётган алоҳида миннатдорлигимни қабул этгайсиз. Сиз билан келгусида яна учрашиш бахтига муяссар бўлишдан умидворман. Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Эҳтиром билан,
Майкл Р.БЛУМБЕРГ,
Нью-Йорк шаҳри мэри

ЎЗБЕК КИНОЛАРИ ЯПОНЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 10 йиллигига бағишлаб Кунчиқар мамлакатда «Биринчи Ўзбекистон кинофестивали» бўлиб ўтди. Уни мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси япон жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад киномухлисларга ўзбек кино асарлари намуналарини намойиш этишгина эмас, балки икки мамлакат кино усталари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан иборат эди.

Кези келганда алоҳида қайд этиш лозимки, шу пайтга қадар Японияда МДҲ давлатларидан ҳеч бири мамлакат кино санъатига бағишланган бундай тадбирни ўтказган эмас.

Ушбу маданий тадбирда «Ўзбекфильм» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти директори, таниқли кинорежиссёр Ю.Розиқов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Бунга қадар жаҳоннинг қатор мамлакатларида ўтказилган халқаро танловларда бир неча бор мукофотларга сазовор бўлган Ю.Розиқовнинг «Воиз» ва З.Мусоқовнинг «Кичкина табиб» ҳамда япон кино усталари билан ҳамкорликда суратга олинган «Ойижон» фильмлари шунингдек, М.Абзаловнинг «Чимилдиқ» номли асари япониялик киномухлислар томонидан ҳам жуда қизғин кутиб олинди.

Киноанжуман доирасида «Ўзбекистон кино санъатининг истиқболлари» мавзуидаги илмий-амалий симпозиум ҳам бўлиб ўтди. Унда мутахассислар ўзбек киносининг истиқболига катта умид билан қарашларини изҳор этар экан, келгусида ҳам бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлишини айтишди. Учрашувда икки мамлакат киночилари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Японияда нашр этиладиган «Маиничи шимбун», «Ёмиури шимбун», «Асахи шимбун», «Жомо шимбун» сингари газеталар, шунингдек, «TBS» ва «NHK» телекомпаниялари киноанжуман ишини кенг ёритиб борди.

■ **«Жаҳон» АА**

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Кеча Шаҳрисабзда Ўзбекистон-Япония-Туркия ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхонанинг фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

ЯНГИ КОРХОНА:

«ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ ЛТД»

Соҳибқирон Амир Темур ўз киндик қони тўкилган бу кентда машҳур «Оқсарой» қасрини тиклаб, дунё аҳлини ҳайратга солганди. Энди эса кўҳна Кеш тупроғида ўзбек-япон-турк сармоялари ёрдамида барпо этилган ва хорижий технология ҳамда ускуналар билан жиҳозланган қудратли қўшма корхонага ҳам эзгулик йўлида «Оқсарой» номи берилди.

Корхона пойдеворига бурноғи йилнинг сентябрь ойида биринчи бор ғишт қўйилди ва у муддатидан анча илгари — 24 ой ўрнига 18 ойда фойдаланишга топширилди. Умумий саҳни 21 минг квадрат метр бўлган бу йирик ва кўркам бинода Японияниг «МПМ-10», «Тайота», «Мурата», «Охтори Тручлер» каби машҳур компанияларида тайёрланган энг сўнгги русумдаги технология ҳамда дастгоҳлар қатори АҚШнинг «Вангард» фирмаси маҳсулоти — замонавий тўқимачилик машиналари ҳам ўрнатилди.

— Қўшма корхона мамлакатимиз пахта хомашёсидан йилига 4800 тонна тароқланган ип-калава, 2000 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди корхона раҳбари Зайниддин Боқиев.

— Бугунгача бу ерда 640 нафар маҳаллий йигит-қиз махсус дастурлар асосида ўқитилди. Улар пойтахт вилоятининг Чиноз туманидаги ўзбек-япон-турк «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасида малака оширдилар. Умумий лойиҳа қиймати 66 миллион 766 минг АҚШ долларини ташкил қилган корхона қурилишига унинг таъсисчилари — Шаҳрисабздаги «Садо» акциядорлик жамияти, Японияниг «Мицубиси корпорейшн», Туркиянинг «Бурсел» холдинг компаниялари ҳамкорликда ҳомийлик қилишди.

— «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасининг афзаллиги шундаки, — сўҳбатимизни давом эттирди «Бурсел Иншаат ва Макина Санайи, Тижорат АШ» фирмаси раҳбари Селим Каптаноглу, — бу ерда ишлаб чиқариладиган ип-калава ҳамда трикотаж матоси «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан 100 фоиз хорижга экспорт қилинади.

— «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси тўла қувват билан ишга тушгач, жаҳон бозорига йилига 21 миллион АҚШ доллари қийматида харидоргир маҳсулот экспорт қилувчи шу турдаги ягона корхона бўлади, — дейди «Бурсел» холдинг компанияси раҳбари Бурхон Энуштекин.

Қўшма корхонанинг очилишига бағишланган тантанали йиғилишни вилоят ҳокими Б.Ҳамидов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов табрик сўзидан сўнг, қўшма корхона раҳбарларига рамзий калитни топширди. Туркиянинг мамлакатимиздаги элчиси Решит Уман, Япония элчихонасининг маслаҳатчиси Имашахи Хироюки сўзга чиқиб, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гапиришди. Корхона тўқувчиси Маҳлиё Умарова қурувчилар ва ҳукуматимизга ишчилар номидан миннатдорчилик билдирди.

Корхонанинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси раиси Б. Эргашев, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси З.Мирхўжаев, Туркия ва Япония элчихоналари, Туркиянинг «Бурсел» фирмаси ҳамда Японияниг «Мицубиси» корпорацияси вакиллари иштирок этдилар.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, Юнус УЗОҚОВ «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СОЛИҚ, БЮДЖЕТ ВА ТУРМУШ

Ўзбекистонда истиқлол йиллари ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида босқичма-босқич мустақил солиқлар тизими ташкил топди. Бу жараёнда эски бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайдиган солиқлар (оборот солиғи, фойдадан ажратма, амортизациядан ажратма ва ҳоказо) тугатилди ва бозор иқтисодиёти талабларига мос солиқлар тизими жорий этилди.

Тизимни ташкил этишда, аввало, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Солиқ кодекси ва бир қанча қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга тавсия этилди. Аммо уларнинг биротасида энг асосий масала — солиқ нима, деган саволга аниқ, батафсил жавоб берилмади. Баъзан адабиётларда уларнинг муаллифлари чет мамлакатларда нашр этилган китоблардан солиқлар тўғрисида унча аниқ бўлмаган тушунчаларни келтириш билан чекланиб қолишяпти.

Хўш, солиқ (солиқлар) нима? Аксарият амалиётчилар айтганидек, солиқ — бу мажбурий тўлов, давлат хизматлари учун ҳақ ёки давлат бюджети харажатларини молиялаштириш манбаи. Бу тушунчаларда оз бўлса ҳам солиққа хос белгилар бор, албатта. Бироқ, уларда солиқ иқтисодий категория эканлиги инобатга олинмаган. Ваҳоланки, солиқлар бозор муносабатларининг ажралмас, зарурий элементи.

Солиқлар — бу солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги давлатнинг пул жамғармаси (бюджети)ни ташкил этишдаги мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатлари. У бир томондан мажбурий тўлов ҳамдир. Масалан, товар қиймати тўлови, ҳар хил хизматлар ҳақи ва бажарилган ишлар қиймати, ихтиёрий жамғармаларга тўлов ва бошқалар. Бундай тўловларни тўлаш ихтиёрий бўлганлиги учун уларни солиқларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Солиқлар тушунчасига кирувчи тўловларга мажбурийликдан ташқари давлат бюджетига ёки бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига тўланадиган тўловлар ҳам киради.

Ҳар қандай ёки ҳамма солиқлар фақат давлат бюджетига тушади ва улар солиқ тўловчилар мулкидан давлат мулкига айланади. Уни ҳеч ким ўз мулкига айлантиришга ҳаққи йўқ. Бу ҳолат бир томондан солиқларнинг моҳиятидан келиб чиқади, иккинчи томондан эса ҳуқуқий давлатнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлади. Улар дастлаб Олий Мажлис томонидан қабул қилинади ва демократик асос берилади.

Солиқлар мажбурийликдан қатъи назар, демократик, эркин тўлов ҳамдир. Шунинг учун солиқларни тўлаб бориш ҳар қандай солиқ тўловчи учун (унинг эгаллаб турган лавозими ва мавқеидан қатъи назар) мажбурий. Қолаверса, бу уларнинг инсоний бурчи ҳам!

- Солиқ ва унинг ҳуқуқий асослари
- Ҳам мажбурий, ҳам демократик эркин тўлов
- У — иқтисодий категория
- Солиқ оғирлиги нима?
- Рағбат, имтиёз ва муаммолар

Республикамиз солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар ва жисмоний шахслар учун солиқ оғирлигини (иқтисодиётда яратилаётган имкониятларга қараб) тобора камайтириб бориш тадбирлари кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов «2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифалар»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек:

(Давоми 2-бетда)

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ҚУЁШГА ҚАРАГАН УЙ

«ТОШКЕНТ» МЕҲМОНХОНАСИ ҚАЧОН, ҚАНДАЙ ҚУРИЛГАН ЭДИ?

Ҳар бир миллатнинг фақат ўзигагина хос, сўз билан таърифлаш қийин бўлган жиҳатлари бор. Меҳмондўстлик, меҳмонпарварлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади. Ўзбекнинг «Меҳмон отангдек улуғ» деган сўзлари замирида катта ҳикмат бор. Бу мақол кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ. Меҳмондўстлик илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Варахша, Афросиёб, Далварзинтепада олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган антик ва ўрта асрларга тааллуқли катта уйлар — меҳмонхоналар бунга мисол. Мусофирлар, савдогарлар, йўловчилар қўним топиб, отларига дам бериши учун шаҳарлараро ҳар 20-30 чақирим масофада работлар — карвонсаройлар қурилган.

Бугун пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб, осмонга бўй чўзаётган замонавий меҳмонхоналар кун сайин кўпаймоқда. Аммо бундан қарийб 50 йил илгари шаҳарнинг қоқ марказида қурилган «Тошкент» меҳмонхонаси ҳали-ҳамон ўз салобати, чиройи билан пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Архитектурасининг ўзига хослиги билан ҳам чет эллик меҳмонлар эътиборини тортиб келмоқда. Шунинг учун бўлса керак, бу ер бугун ҳам меҳмонлар билан гавжум. Ҳар йили ўртача 102 минг киши унда бошпана топаркан. Айтишларича, шу пайтгача 4,5 миллион меҳмонга ўз бағридан жой берибди.

Хўш, бу гўзал меҳмонхона қачон бунёд этилган эди? Унинг архитектураси муаллифи ким?

«Тошкент» меҳмонхонасининг фойдаланишга топширилиши ўша даврда катта воқеа бўлган. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)нинг 1958 йил 2 октябрь сонида бу бино қурилиши ҳақида шундай сатрлар ёзилган эди:

«Собиқ «Пиён бозор» ўрнига Навоий номидаги театр ва катта фаввора қурилганидан кейин бу ер одамларнинг севиб дам оладиган жойи бўлиб қолди. Театр майдонининг ҳуснига яна бир ҳусн қўшилди. Кеча фойдаланишга топширилган «Тошкент» меҳмонхонаси дастлабки меҳмонларни қабул қилди. Бу иморат Ўзбекистонда сўнгги йилларда қурилган биноларнинг ичида энг гўзалларидандир... Унда меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган. 273 номернинг ҳаммасида ванна бор. Ресторан, кафе, алоқа бўлими ва бошқа хизмат кўрсатадиган муассасалар меҳмонлар ихтиёрида. Янги меҳмонхона механик тарзда вентиляция қилинади, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланиб турилади, меҳмонлар ва юк учун алоҳида лифтлар бор. Махсус ускуналар бино ичидаги ҳавонинг ҳар қандай фаслда бир хил бўлишини таъминлайди».

Меҳмонхона фойдаланишга топширилган октябрь ойида Тошкентда илк бор Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси ўтказилган. Жуда кўп мамлакатлар, жумладан, Япония, Хитой, Араб давлатлари, Ҳиндистондан келган меҳмонлар қаторида Расул Ҳамзатов, Мухтор Авезов, М.Турсунзода, Прободж Кумар Саньял ҳам айнан шу меҳмонхонада истиқомат қилган.

Бугун замон ўзгарди, пойтахтимизда бири-биридан гўзал кўп қаватли меҳмонхоналар, барча шароитлар муҳайё этилган хусусий меҳмонхоналар кўпаймоқда.

Табиий савол туғилади: «Тошкент» меҳмонхонаси ҳозирги шароитда муаммоларга дуч келмаяптими? Меҳмонхона директори Шомансур Шоаҳмедов бундай дейди:

— Бизнинг кошона 1974 йилга қадар халқаро меҳмонхона ҳисобланарди. 1982 йили «Чорсу», кейинроқ «Интерконтиненталь» ишга тушгач, биз Ўзбекистон миқёсида хизмат кўрсата бошладик. Лекин бу чет элдан меҳмонлар келишмайди, дегани эмас. Республика ва халқаро миқёсдаги турли анжуманлар иштирокчилари бизда меҳмон бўлиб туришибди. 1999 йил Женевада «Бизнес Инициатив Дирекшин» ташкилотининг олтин юлдузи, 2000 йилда Нью-Йоркда Платина юлдузи билан тақдирланган бу меҳмонхона Бельгияда таъсис этилган «Европа Ижтимоий масалаларни ўрганиш» маркази давлат мукофотини қўлга киритган. 2001 йилда эса дунёнинг энг яхши халқаро меҳмонхоналари таркибига киритилди.

Шомансур аканинг айтишича, меҳмонхона қурилганидан буён фақат жорий таъмирланган, лекин капитал таъмирдан чиқмаган. Ҳозир бу масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори тайёрланяпти. 2003 йил май ойида Тошкентда Европа тараққиёт банкининг йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Шу даврга қадар бино тўла таъмирдан чиқиши керак.

Мақолага материал йиғиш жараёнида кўп меъморлар билан сўҳбатлашдим. Уларнинг барчаси бу иморат лойиҳачиси, ижодкори, архитектура фанлари доктори, Халқаро меъморчилик академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, ҳозир 95 ёшни қаршилаётган устозлари Булатов Митхат Сагадатдинович ҳақида тўлқинланиб сўзлашди. Йигирма уч йил Тошкентнинг бош меъмори лавозимида ишлаган бу инсон лойиҳалаштирган юзлаб иморатлар қаторида «Пахтакор» стадиони, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноси, «Тошкент» меҳмонхонаси алоҳида ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда)

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ҚУЁШГА ҚАРАГАН УЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— «Тошкент» меҳмонхонаси тарҳини меъмор Леонид Караш билан ҳамкорликда яратганмиз, — дейди Митхат ака. — Янгиликлар, фикрлар асосан мендан чиқарди. Л. Караш яхши ижрочи эди. Биз бир-биримизни тушунардик.

— Иморат 1958 йил топширилган экан. Унинг лойиҳаси чизилиб, қурилгунча қанча вақт кетган?

— 1947 йил Меъморлар уюшмаси меҳмонхона лойиҳаси юзасидан танлов эълон қилган эди. Унда Л. Караш, В. Дмитриев ва менинг ишларим юқори баҳоланди. Муҳокамага қўйилганда, менинг қораламам (эскиз) танланиб, Л. Караш лойиҳасидан баъзи деталлар киритилишига келишилди.

Ўзингизга маълум, иморат шаҳарнинг марказида қад ростлаган. Бу ерда турар жойлар зич жойлашганлиги боис ҳам ишимиз сал қийинлашди. Яна бир жиҳати бизни ўйлантирдики, меҳмонхона академик Шусев лойиҳалаштирган А. Навоий театри биносини тўсиб қўймаслиги керак эди. Ва менимча, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни амалга оширолдик.

— Бино топширилган пайтда қурувчилар ишидан кўнглингиз тўлганми?

— Мен у вақтлар шаҳар бош архитектори эдим. Иморат бошланишидан якунига қадар ўзим қурувчилар орасида юрганман, енг шимариб ишлаганман. Бизни ягона мақсад бирлаштириб турарди. Ахир бу шунчаки бир иморат эмас, халқаро меҳмонхона. Том маънода халқимиз юзи. Ҳамма ўз елкасидаги масъулиятни ҳис қилиб турарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир деталгача синчиклаб кузатиб турилган.

Қурилиш жараёнида бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Хомашёлар келтирилиб, энди иш бошлаймиз, деб турганимизда, гранит пойдеворлар йўқолиб қолса бўладими. Ҳамма ҳайрон, ваҳимада. Ахир шундай катта тошлар қаерга кетиши мумкин? Чоп-чоп, талатўплар орасида машиналар қум, тупроқни улар устига тўкаверишган экан, ниҳоят ўша ердан уларни кавлаб олишга тўғри келган.

— Лойиҳачи, меъмор сифатида айтинг-чи, «Тошкент» меҳмонхонаси ҳалигача ўз мавқеини йўқотмай келаётганининг сири нимада?

— Менимча, ундаги элементларнинг пропорция жиҳатидан мутаносиблигида. Яна қуёш йўналишига қараб сояларнинг ўзгариб туриши бино юзасининг ҳар соатда турланиб, жозибали кўриниш ҳосил қилиши унинг чиройига янада зеб бериб туради. Лекин, энг муҳими, меҳмонхона ўрнининг тўғри танланганида, деб биламан.

Инсон умри вақт билан ўлчанмайди. У ўз асарларида, яратган иморатларида барҳаёт. Меъмор, олим, миллий архитектурамизда алоҳида саҳифа яратган, тиниб-тинчимас Митхат Булатовдан армонингиз борми, деб сўраганимда улар бундай жавоб бердилар:

— Ҳаётим бекорга ўтгани йўқ, изландим, яратдим, ижод этдим. Лекин биргина орзуим ушалмай қолди. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси, нафақат шарқ халқлари, балки бутун дунё фанига ривож қўшган улуғ жойдир. Мен шу иморат пойдеворида унинг юза қисмини бунёд этишни орзу қилганман. Макети тайёр, лойиҳалаштирилган. Қандайдир сабабларга кўра, бу иш тўхтаб қолган эди. Мен бугун шу орзуим ижобатини кўриш умидида яшаяпман.

Митхат аканинг бу орзусини эҳтимол унинг шогирдлари амалга оширар. Эҳтимол бу масала масъул идораларни қизиқтирар. «Тошкент» меҳмонхонаси эса ҳали кўп меҳмонларга хизмат кўрсатади. Инсон ақл-идроки рамзи, санъатнинг куч-қудрати ҳақида сўзлайверади. Ижодкор учун бундан ортиқ мукофотнинг ўзи йўқ.

■ **ШАҲРИБОНУ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда:
меъмор Митхат Булатов

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

СОЛИҚ, БЮДЖЕТ ВА ТУРМУШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«... йилдан-йилга, аввало ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда». Масалан, 2001 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқарди. Кўпгина хорижий давлатларда бу кўрсаткич ҳозир ўртача 30-33 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, солиқ оғирлигини бундан буён ҳам юритиш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириб бориш, айниқса, табиий ва минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида корхоналар фаолиятига таъсир доирасини кучайтириш лозимлигини Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Солиқлар оғирлигини фақат юридик шахсларгагина эмас, балки жисмоний шахсларга нисбатан ҳам камайтириш тадбирлари белгиланган. Хусусан, жисмоний шахсларнинг жами даромадига нисбатан олинадиган даромад солиғида 2002 йил солиқ ставкаси қуйидагича пасайтирилиши кўзда тутилган:

(фоиз ҳисобида)

Жами даромадга нисбатан	2001 йилда	2002 йилда
4 каррали минимал иш ҳақи миқдоригача	12	13
4 карраликдан 8 каррали минимал иш ҳақигача (4 каррадан ошган қисмига)	25	23
8 каррали минимал иш ҳақидан ошган қисмига	36	33

Демак, 2002 йилдан бошлаб фуқаролар 4 каррали минимал иш ҳақи миқдоридан ошган қисмига 2 фоиз, 8 каррали минимал иш ҳақидан ошган қисмига эса 3 фоиз кам солиқ тўлайдилар.

Солиқ оғирлигининг камайиб бориши иқтисодиётимизда юридик шахсларнинг ўз ихтиёрларида қоладиган даромадларини кўпайтириш ва шу орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кредиторлик қарзларини камайтириш ва ниҳоят, бошқармандалар бўлишига йўл қўймасликка олиб келади. Бу эса солиқларнинг иқтисодиётга таъсирини янада кучайтиради, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига шароит яратади.

Жисмоний шахсларга даромад солиғи ставкаларини камайтириб бориш фуқароларнинг даромадларини секин-аста кўпайтириб, уларнинг турмуш даражасини кўтаришга имкон беради. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, солиқлар оғирлигини камайтириш солиқлар соҳасидаги ҳамма долзарб масалаларнинг ҳал бўлганлигини билдирмайди. Зеро, солиқлар соҳасида ҳали анчагина ечилмаган муаммолар мавжуд.

Биринчидан, солиқ оғирлигининг иқтисодиётимиз тармоқларига ҳануз бир хил тақсимланмаганлиги сир эмас. Тармоқларда солиқ оғирлиги ҳамон баланд даражада сақланиб қолмоқда.

Иккинчидан, солиқларга юклатилган рағбатлантириш вазифаси амалиётда яхши натижалар бермаяпти. Уларда имтиёзлар сони ҳали жуда кўп. Масалан, имтиёзлар бериш йўли билан корхоналарга солиқ оғирлигини тахминан 15-20 фоиз камайтириш мўлжалланган. Имтиёзлар диалектикаси бўйича улар иқтисодиётимизни 10 йил ичида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига етказиб олиши ва улардан ўзиб кетиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмади, чунки имтиёзлар яхши ишламади. Улар назарий ва амалий жиҳатдан тўла асосланмади, аниқ концепцияси ишлаб чиқилмади.

Учинчидан, солиқ қонунчилигига киритилган айрим ўзгаришлар тадбиркорларнинг ўз ҳамкорлари билан алоқалари дастурларининг меъёрида, вақтида бажарилишига тўсқинлик қилаяпти.

Тўртинчидан, солиқ ундирувчилар билан солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабат ҳам ҳали яхши йўлга қўйилганича йўқ.

Хўш, бу муаммоларни ҳал қилиш учун нима қилмоқ керак? Энг аввало, солиқларнинг иқтисодий категория эканлиги, унинг ўз қонунлари мавжудлиги ва уларнинг объектив зарурлигини ҳамда функциялари (фаолияти доираси)ни тўғри тушуниб етиш лозим.

Солиқларнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий муносабатлар орқали амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчилар ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари тўла эътиборга олиниши керак. Томонлар манфаатини мувозанатли олиб бориш эса эркин бозор иқтисодиёти талабларига мос тушади ва иқтисодиётда барқарорлик, ўсиш, улғайиш имконияти туғилади.

■ **Қосим ЯХЁЕВ,**
Тошкент молия институтининг профессори, солиққа тортиш кафедраси мудири, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи.

ЧИҚИНДИДАН СПОРТ БУЮМЛАРИ

Яккабоғ туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Яккабоғ тўқимачилик» ҳиссадорлик жамияти корхонасида чиқиндилардан спорт тўрлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамият ишчилари томонидан тайёрланган дастгоҳлар ёрдамида бир кунда волейбол ва футбол дарвозалари учун ўнга яқин тўр тўқилмоқда.

Корхона дастлабки маҳсулотларини туман мактабларига бепул тарқатди. 400 донага яқин тўр эса Китоб, Шаҳрисабз, Қамаши туманидаги мактабларга сотилди.

Янги цех туфайли йигирма нафар хотин-қиз ишли бўлди.

■ **(ЎзА)**

Пленум, йиғилиш ва мажлислар

Олдин хабар берганимиздек, март ойининг охирларидан бошлаб, Ўзбекистон ХДП минтақавий ва маҳаллий кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда. Ўтган ҳафта давомида **Наманган ва Тошкент вилоят партия кенгашлари пленумлари** бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг республика Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VIII сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақидаги ва қатор бошқа масалалар муҳокама этилди. Вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари М.Абдуллаева ва С.Аъзамов маъруза қилдилар. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Тошкент вилоят партия кенгаши пленумида вилоят ҳокими ўринбосари А.Аҳмаджонова сўзга чиқди.

Шундай кун тартибидаги пленум **Андижон шаҳар партия кенгашида** ҳам бўлиб ўтди. Ўнинг иштирокчилари партия кенгаши биринчи котиби А.Носировнинг шу ҳақдаги маърузасини муҳокама этиб, тегишли қарорларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Унда А.Алломов туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида вилоят партия кенгаши биринчи котиби А.Игамбердиев ва туман ҳокими ўринбосари А.Азимов иштирок этдилар.

Зарбдор туман партия кенгаши пленумининг қатнашчилари ХДП маҳаллий ташкилотларининг ўтган йилдаги ишлари ва навбатдаги вазифалари, партиядан сайланган депутатларнинг фаолияти тўғрисидаги масалалар юзасидан туман партия кенгаши биринчи котиби А.Ўсканов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раҳбари Р.Абдувоитовларнинг маърузаларини муҳокама этдилар. Пленум ишида туман ҳокими У.Азимов ва ҳоким ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари навбатдаги пленумларини чақириш масалалари марказий ўрин эгаллади. Йиғилишда, шунингдек, Жиззах шаҳар ва Жиззах туман партия кенгашлари биринчи котиблари Т.Аҳмедов ҳамда О.Эгамқуловларнинг аҳоли истиқомат жойларида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Тўрақўрғондаги 4-қурилиш комбинати, **Собир Раҳимов туманидаги** «Табассум» ва «Шодлик» маҳаллалари, **Бектемир туманидаги** «Виза» А.Ж, 577-болалар боғчаси, кўплаб бошқа бошланғич партия ташкилотлари мажлисларида республика Президентининг Олий Мажлис VIII сессиясидаги маърузаси ҳамда ХДП МК IV пленуми қарорларини ўрганишу тарғиб қилиш, шунингдек, Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишда иштирок этиш масалалари катта ўрин эгаллади.

Тахтакўпир туман маданият уйида Конституция ва қонунлар мавзуида савол-жавоблар кечаси ўтказилди. Асосан ёшлар иштирок этган тадбирни Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ва маҳаллий прокуратура ҳамкорликда ташкил этдилар.

Ҳурмат ва эҳтиром

МК матбуот хизматига келаётган хабарлар оқимида партия ташкилотларининг Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан амалга оширилаётган хайрли ишлари ҳақидаги маълумотлар катта ўрин эгаллайди. Чунончи, **Баллаорол тумани** Ғафур Ғулом номидаги ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан, қатор жамоат бирлашмаларининг ҳамкорлигида

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУ ҲАҚДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИДА СЎЗ БОРДИ

ИҚТИСОДИЁТ ЭРКИНЛИГИ — ЭРКЛИ ҲАЁТ ТЎКИНЛИГИ

МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ VIII СЕССИЯСИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, БОШЛАГАН ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ҲАҚИДА ЯНА БИР БОР АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг иқтисодиёт кафедраси бошлиғи, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олим А.Ортиқов билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Абдуғаффор Абдурахмонович, Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда қилган маърузасини халқимиз «ойнаи жаҳон» орқали тинглаб, газеталарда ўқиб чиқишди. Юртбошимиз «Эркин иқтисодий ривожланиш учун қонунлар билан кафолатланган шароит ташкил қилиб бериш» кераклиги ҳақида муфассал гапириб ўтдилар. Ушбу сўзлардан сиз ҳам иқтисодчи, ҳам ҳуқуқшунос олим сифатида қандай таассурот олдингиз?

— Кафолатланган шароит мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда «...давлат ҳокимияти, унинг назорат ва текширув органлари иқтисодиёт ва хўжалик субъектларининг ишига аралашмоқчи бўлса, уларга фақат қонун устуворлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш нуқтаи назаридангина таъсир ўтказиши мумкин.

Бу субъектларга бошқача таъсир ўтказиш қатъиян ман этилади».

Айни шу ўринда ҳар бир фуқаро, ҳар бир газетхон «иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш нима учун бугунги кунниг устувор йўналиши деб белгиланмоқда?» — деб бироз мулоҳаза (керак бўлса мунозара ҳам) қилиб кўрмоғи жоиз.

Эркинлаштириш изоҳли луғатларда эркин тадбиркорликни ёқлашнинг, демократия тамойиллари асосида иш тутишнинг, эркин фикрлиликнинг ифодаланиши, деб таърифланади. Масалан, улуғ бобомиз Амир Темур салтанати даврида ҳам бизнинг мустақиллик йилларимизда вужудга келган фермер хўжаликлари, оилавий пудрат тизимлари сингари якка деҳқон хўжаликлари таркиб топган бўлиб, улар эркин тадбиркорлик асосида иш юритганлар ва маъмурий, марказлашган буйруқбозликдан холи фаолият кўрсатганлар.

Бу билан нима демоқчиман?! Демоқчиманки, англаган бўлсангиз, эркинлаштириш — фуқаро ва хўжалик юритувчи субъектларга мустақил иқтисодий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга собиқ иттифоқ давридаги марказлашган иқтисодиёт тизимидан мерос қолган икки муаммо — маъмуриятчилик тизими ва ахборотларнинг етишмаслиги ҳамда танқислиги сингари масалалар барҳам топди.

Эркинлаштириш — ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи)лар фаолиятини республикамиз Конституциясида таъкидлаб ўтилган «...истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини», уларнинг талабларини, рақобат кураши шароитида фойда олишни, нархнавонинг, талаб ва таклифларнинг ҳаққоний муносабатларга мослигини таъминлашга мажбур этади. Айнан шунинг учун ҳам республикамиз ҳукумати ва шахсан Юртбошимиз бу жараённи устувор йўналиш сифатида эътироф этмоқда. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш жараёни вақт ўтиши билан кенг қамров олади ва такомиллашиб боради.

— Бунинг учун қандай муҳим ва мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келади, деб ўйлайсиз?

— Биринчидан, бозор иқтисодиёти операциялари устидан белгиланган давлат назоратини минимал даражага ва келажакда эса уни умуман олиб ташлашга эришиш керак. Эътибор қилган бўлсангиз, Президентимиз ўз маърузасида айни шу назорат ва назоратчилар ҳақида алоҳида куюниб гапирди ва менинг наздимда, бу билан хўжалик юритувчи субъектларга макроиқтисодиёт даражасида максимал эркинлик бериш, давлатнинг координатор (марказли)лик ролини фақат макроиқтисодиёт даражасидагина сақлаб қолиш кераклигига урғу берди. Айни шу боисдан ҳам маърузада «Бу масалага биз тараккий топган давлатларнинг ўта муҳим бир тажрибасига эътибор беришимиз лозим» — дея таъкидладилар.

Дарвоқе, Хитой тажрибасини олинг: мамлакатда субъектларга максимал эркинлик бериш борасида ислоҳотлар бошидаги иқтисоий тизим ҳолати тўла ҳисобга олинди. Макроиқтисодий бошқарув корхоналар фаолиятини эркинлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилди. Пировардида, аҳоли жамғармалари ва умуман маблағлар ҳажми кескин кўпайди. Ўз навбатида давлат корхоналарини молиялаштириш ташвишлари анча енгиллашди ва давлатнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятлари кенгайди. Мана, нима учун Юртбошимиз ҳар гал халқ бой бўлсагина давлат бой бўлади, деб бот-бот такрорлайди. Агар бу тажриба бизнинг шароитимизга ҳам ўзимизга мос, ўзимизга хос тарзда оқилона жорий этилса, шубҳасиз, иқтисодий эркинликлар самараси янада юқори бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва савдодаги монополияга қарши қонунни кучайтириш лозим. Зеро, бу соҳалардаги монополия тузилмаларини камайтириб ва уларни аста-секин тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш пайти келди. Бунинг учун Олий Мажлисимиз томонидан монополия тузилмалари фаолиятини чеклашга қаратилган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида» сингари қатор қонунлар қабул қилинган. Энди уларнинг тўла ишлашини таъминлаш зарур. Президентимиз сессияда бу борада ҳам фикрлаб, агар қабул қилинаётган қонунлар ишламаса, улар ҳеч нима, қуруқ гап бўлиб қолади, деб жуда тўғри айтдилар.

Учинчидан, давлат таъминотидан босқичма-босқич воз кечиб, давлат буюртмасини жойлаштиришнинг тендер усулига ўтишни таъминлаш жоиз. Бу — долзарб масала. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун ҳам ривожланган хорижий мамлакатларда давлат буюртмаларини олишга интилиш кучли рақобат кураши остида ўтади. Сабаби, давлат буюртмалари ва дастурларининг умумий сони чекланган бўлиб, бу буюртмалар моддий, молиявий ресурслар билан тўла таъминланган.

Навбатдаги энг муҳим масалалардан яна бири, янги тадбиркорлик тизимлари (ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳалар)нинг юзага келишига тобора кенгроқ йўл очиш — иқтисодиёт эркинлигининг зарур талабларидан. Уларни расмийлаштириш жараёнларини янада соддалаштириб бориб, бу борадаги ҳар қандай тўсиқлар бартараф этилишига эришмоқ керак.

Шундагина, мавжуд ишлаб турган хўжалик субъектлари фаолиятини кенгайтиришни ва йириклаштиришни рағбатлантирувчи механизмни ишлаб чиқишга ва уни амалиётга жорий этишга эришган бўламиз.

Шундагина, маҳсулотларнинг турлари ўзгаради, мижозлар доираси ва савдо-сотиқ ҳудудлари кенгаяди. Таъбир жоиз бўлса, шундагина, нуфузли давларларнинг тўрида, йирик анжуманларнинг тепасида казо-казо мансабдорлар эмас, эл учун, юрт учун ёниб яшаётган, озод ва обод Ватан учун деб астойдил тер тўкаётган ҳақиқий ишбилармонлар, тадбиркорлар турган бўлади. Уларки турар экан, демак, эркин, эркли ҳаётимиз тўкин ҳам бўлади.

— Домла яна бир гап. Президентимиз маърузасининг мана бу жойини ҳозир сизга тўла ўқиб бераман: «Иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу тармоқларни уларнинг қўлоёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак...»

— Тушундим. Шу дастурий кўрсатмадан келиб чиқувчи вазифалар нималардан иборат, — деб сўрамоқчисиз. Биз, Президентимизнинг ўз таъбири билан айтганда, «тадрижий-эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз!»

Дарҳақиқат биз шу нарсани инобатга олишимиз керакки, иқтисодий воқелик иқтисодий қонунлар таъсирида юзага келади. Бу воқеликка таъсир этувчи омиллар зудлик билан таҳлил қилинмаса, уларнинг оқибатлари ўрганилмаса ва салбий «якун»ларининг олди олинмаса — иқтисодий тизимнинг ўсишида самарали натижага эришиш амалий нуқтаи назардан анча мушкул. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожи ҳамда равнақида тадрижий-эволюцион ислоҳот йўлини (таърифим тўғри бўлса агар, «шошмасдан, тез» формуласини) танладилар ва уни бизга дастурий кўрсатма қилиб бердилар.

— Иқтисодий эркинлик сари одим ташлаганимизга, аниқроғи, иқтисодиётни эркинлаштиришга киришганимизга ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Уни биз ўн йилча олдин, Мустақиллик шарофати билан бошладик, тўғрими?

— Тўғри.

— Бошлаган ишимизнинг дастлабки натижаларини мисол тариқасида битта-иккита рақамлар билан изоҳлайсизми?

— Албатта, масалан, 90-йилларгача Москвадан туриб режалаштирилувчи марказлашган «Ягона халқ хўжалиги комплекси» тизими рақамлари билан мустақилликда ўтган даврнинг биргина 1997 йили якунларини бир солиштириб кўринг. Иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидан бориб, ўша йили собиқ иттифоқдош республикалар орасида биргина Ўзбекистон 90-йилга нисбатан барча соҳаларда ўсишга эришди. Демак, иқтисодий эркинликка интилиш туфайли 1997 йил республикамизда макроиқтисодий ўсишни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи йил бўлган бўлса, ўтган 2001 йил ҳам ислоҳотлар эндигина бошланган 1991 йилга нисбатан худди шундай ўсиш, улғайиш, ривожланиш йили бўлди. Жумладан, макроиқтисодиёт барқарорлиги сақлаб қолинган ҳолда иқтисодий кўтарилиш жараёни яққол кузатилди: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 4,5 фоизга кўпайди. Саноат ишлаб чиқариши — 8,1, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш эса 4,5 фоизга ошди.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ, иқтисодиётни эркинлаштириш сари 1991 йилда бошланган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 2001 йилда ЯИМ ҳажми ўтган ўн йил давомида илк бор 3 фоизга ўсганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳатто, кейинги йилларда рўй берган қурғоқчилик, табиий офат, шунингдек, олтин ва пахта толасига нисбатан жаҳон бозорида вужудга келган ноқулай нарх конъюктураси туфайли бир қадар йўқотишларга дуч келган бўлсак-да, 2001 йилда ташқи савдо айланмамизнинг ўзини 3,1 фоизга ўсишини таъминлай олдик.

Бу рақамларни бугун биз шунчаки, қайд қилиб ўтмасдан, баралла, қувонч ва фахр билан айтишга ҳақлимиз! Такрор айтаман, иқтисодий эркинликда энг олий орзумиз бўлган бош кўрсаткич — халқ фаровонлиги ошади, ҳаётимиз тўкин, турмушимиз тўкис бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг пировард мақсади — иқтисодий ўсишга эришиш экан, бу йўлда амалга ошириладиган ишлар ҳали кўп. Жумладан, рақобат муҳитини шакллантириш, ташқи иқтисодий алоқалар тизимини тубдан ўзгартириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш, боя юқорида айтиб ўтганимдек, монополияга қарши курашни кучайтириш ҳоказо. Энг муҳими — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кенг, равон ва кафолатланган йўлга қўйиш. Ва ниҳоят суҳбатимизни Президентимизнинг сўзлари билан якунлайдиган бўлсам: **«Бизнинг эндиги вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага етказиш ва «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» — деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдан иборат».**

■ **Суҳбатдош:**
Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Қарияларни қадрлаш йили доирасида «давра суҳбати» ўтказилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Б.Темиров «Қарияларни қадрлаш — улуғ фазилат» мавзуида маъруза қилди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси бошлиғи С.Файзуллаев, отахонлардан Т.Омонов, О.Сандиев, хўжалик раҳбари А.Мамаражабов ва бошқалар сўз олиб, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, кекса авлодга қилинаётган ғамхўрлик ва ёшлар тарбиясига берилаётган эътибор тўғрисида гапирдилар.

Кегейли туман ҳокимлиги, туман партия кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси маҳаллий бўлинмаси томонидан чақирилган учрашувда Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказишни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Туман ҳокими Д.Кўчқорбоев, туман партия кенгаши биринчи котиби Э.Хўжанов ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ш.Аҳатов сўзга чиқдилар.

Норин тумани партия кенгаши томонидан таклиф этилган отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва пиллачилик агрономлари, миришкор деҳқонлар «бир пиёла чой устида»ги суҳбатда умр дафтарлари саҳифаларини бафуржа варақладилар, ҳаётларининг қувончу ташвишларини эсладилар, мустақиллик туфайли эришилган ютуқлар ҳақида ғурурланиб гапирдилар ва партия ташкилотлари оталиғидаги пиллачилик соҳасининг сир-асрорлари билан ўртоқлашдилар.

Ёшларга эътибор — ҳамиша долзарб масала

Партия ташкилотларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий тузилмалари билан ҳамкорлиги кучаймоқда. Бу,аввламбор, ёшлар ўртасида турли тадбирларни ташкил этишда намоён бўлмоқда. Мисол учун, **Жалақудуқ партия кенгаши** ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмаси томонидан биргаликда уюштирилган «Ўтмиш анъаналари билан — келажак сари» мавзуидаги «давра суҳбати»ни кўрсатиш мумкин. Унда тумандаги 16та ширкат хўжаликлари ва Охунбобоев шаҳридаги ташкилотларнинг фаол ёшлари қатнашдилар. Унда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби И.Жўраев ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси М.Қодиров сўзга чиқиб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шу туман партия кенгаши, маҳаллий ҳокимлик, унинг халқ таълими бўлими, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлинмаси биргаликда ўтказилган иккинчи тадбир эса «Ватан келажаги баркамол авлод қўлида», деб номланди. Йиғилганлар ҳузурида туман ҳокими ўринбосари М.Мамажонов, туман партия кенгаши биринчи котиби ва бошқалар сўзладилар.

Ўзбекистон ХДП Наманган туман кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлинмаси томонидан ташкил қилинган «Чоршанба оқшоми»га таклиф этилган ташкилот ва корхоналар ёшлари эзгу ишларга йўналтирилди.

Партия Учкўприк туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Момолар орзусидаги баркамол қизлар» кўрик-танловида 21-мактаб ўқитувчиси Д.Деҳқонова биринчи, Учкўприк фуқаролар йиғинида истиқомат этувчи Ҳ.Мирзажонова иккинчи ва туман маданият уйи ходими И.Бойматова учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Кува туманидаги «Баҳор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандига ҳомийлар томонидан суннат тўйи ўтказилди. Тўйболаларнинг ҳар бири номига «Халқ банки»да 5000 сўмдан маблағ қўйилди. Ушбу хайрли ишга бошқош бўлган туман ҳокими О.Холбеков ва уни ташкиллаштиришга ҳисса қўшган туман партия ташкилоти саркори Н.Тилаволдиевлар тўйболаларни табриклаб, уларга эсдалик совғалари топширдилар.

Фурқат туманида болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги ўтказилди. Уни уюштиришга туман ҳокимлиги маданият бўлими ходимлари — ХДП аъзолари М.Шерқулова, Т.Жўраева, С.Раҳимов, А.Жўраева ва Н.Қосимовалар катта ҳисса қўшдилар.

Элликқалъа туманида Халқаро саломатлик кунига бағишлаб, 1500 нафардан кўпроқ киши (кўпчилиги ёшлар) иштирок этган, кросс ўтказилди. Уни ташкиллаштиришга Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлинмаси ва бошқа ташкилотлар ҳисса қўшдилар.

Франция кўчаларида

Йўлларни одамлар авлодларни бир-бирига боғласин, эл-юртнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилсин, дея бунёдга келтирадилар. Йўллар инсонга ризқ ва насиба улашади, кўзлаган мақсадига етказади.

Мустақиллик йилларида бизни дунёга, уммонларга олиб чиқадиган замонавий автомобиль йўллари қурилди. Ўзбекистон ТРАСЕКА, Буюк ипак йўли, РИНГО-ЭСКАТОВ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, автомобиль

ЙЎЛ ҚУРГАНГА МИНГ САВОБ

транспортида халқаро йўловчи ташишни ўзаро тартибга солишда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Мамлакатимизда йўлсозлик соҳасини бундан-да ривож топтириш мақсадида «Немис технологияси маркази» очилиши бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаради, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, «Ўзавтойўл» концерни раиси Рустам Юнусов. — Ўз навбатида бу ГФР билан ўзаро алоқаларимизни янги босқичга кўтаради. Ҳамкорликдаги ишларимиз ўзбек ва немис халқлари дўстлигини мустаҳкамлайди.

Ушбу марказда йўл қурилиши учун малакали мутахассислар тайёрланади. Ғарб билан Шарқни боғловчи янги автомагистраллар қурилишида шубҳасиз Ўзбекистон йўлсозларининг кенг иштироки, ўрни, бўй-басти янада баланд бўлишига имконият яратилади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

БАНК ВА МИЖОЗ

САРҲИСОБ

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилишида 2001 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш бажарилганлиги қайд этилди ҳамда банкни 2002 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўтган йил мобайнида банк устав капитали 1,2 баравар ортиб, тўланган устав капитал 10 млрд. сўмга етказилди, банкнинг жамланма капитали ва умумий активларнинг салмоқли ўсишига эришилди. Бунда банк кредитларининг 95 фоизи иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳисобот йилида банк кредит портфели 1,3 марта ўсди ва 2002 йил 1 январь ҳолатига 64 млрд. сўмни ташкил этди.

2001 йилда банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб қилиш ишлари анча фаоллашди.

Банк аграр секторни ривожлантириш ва қишлоқда янги иқтисодий тузилмалар: фермер, деҳқон хўжаликлари, ширкатларнинг шаклланишида, жумладан, кредит эҳтиёжларини тўлиқ қондириш борасида энг қулай шароитларни яратган ҳолда уларга фаол кўмаклашди.

— Мен йиғилишда Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги аъзолари номидан иштирок этдим, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Матлуб Нўъмонов. — Биз «Пахта банк»нинг етти миллион беш юз олтмиш беш минг сўмлик акцияларини сотиб олиб, яхшигина дивиденд олдик. Режамизни эса барча соҳалар бўйича ошириб бажардик. Пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 42,7 центнерни ташкил этди. Дончиликдан ҳам мўмай даромад олинди. Ана шу хайрли ишларни амалга оширишимизда «Пахта банк» яқиндан ёрдам берди. Дебитор ва кредитор қарзларни ундириш, ягона ҳисоб кунларини ўтказиш, иш ҳақи учун ўз вақтида нақд пул бериш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, модем орқали хизмат кўрсатиш ва «Банк-мижоз» тизимининг жорий этилиши сарф-харажатларимизни анча камайтирди.

Ҳисобот йилида банк томонидан Осиё Тараққиёт Банки билан тузилган шартномалар асосида 15 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб этилди. Ўзбекистон — Хитой меморандумига асосан, Тошкент трактор заводи базасида мини тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Хитойнинг Экспорт тижорат банки — «Эксимбанк»нинг 12 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линиялари очилди.

Шунингдек, йиғилишда «Пахта банк»нинг қишлоқ хўжалигини Кредитлаш Халқаро Конфедерацияси (КИКА)нинг Ханойда бўлиб ўтган 31-Бош Ассамблеясида фаол иштирок этганлиги ҳам таъкидланди.

Йиғилишда «Пахта банк» кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ

ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Амир Темурнинг дипломатик фаолиятига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тарихчилар, сиёсатшунослар ва дипломатлар Соҳибқиронинг ҳали тўла очилмаган фаолияти хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Анжуман давомида улуғ бобомизнинг тинчликпарвар ғоялари ва ақл-заковатга тўла сиймоси қайта гавдаланган дай бўлди.

Дипломатия ўз моҳиятига кўра низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш санъатидир. Шу туфайли у ташқи сиёсатнинг бошқа бир усули ҳамда воситаси бўлган урушлардан кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, дипломатия ғалабага эришишнинг энг арзон ҳамда беталафот йўли ва воситаси ҳамдир. Қадимги Хитой манбаси—**Суньцзининг** (эр.ав.VI-V асрлар) рисоласи — Хитой трактатларида ёзилганидек, *«Юз марта жанг қилиб, юз марта ғалаба қозонишдан кўра душман армиясини жанг қилмай енгиш яхшироқдир»*.

Амир Темур ҳам ҳуда-беҳудага қурол ишлатмади, қон тўкмади. «Қайси ишни чора-ю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим» — дейилади Тузукларда. Мазкур рисолани ўқиб, шунга амин бўлиш мумкинки, Соҳибқирон куч ишлатишдан кўра тадбир ишлатишни авлороқ деб билган.

Тилга олинаётган тадбирлар Амир Темур дипломатиясининг ранг-баранг усулларини ўзида мужассам этади. Уларнинг баъзиларини эслатиб ўтамиз ва яна таъкидлаймизки, бу истифода этилган усуллар давр талаби, ўрта аср дипломатияси хусусиятларидан, қолаверса, Амир Темурнинг шахсий сифатларидан келиб чиқиб амал хилъатини кийган.

Араб муаррихи **Ибн Дўқмоқ**нинг *«Акд ал-жавоҳир»* асарида ҳикоя қилинишича, Амир Темур Дамашқни муҳосара қилганда (1400 йил, декабрь — 1401 йил, март) шаҳар қалъасидагилар узоқ вақт Темурга таслим бўлмай, қаршилик кўрсатаётган бир пайтда Муҳаммад пайғамбар ҳарамларидан бири Умм-ал-Ҳабибанинг қабрини ташландиқ ҳолда кўрган Соҳибқирон қабр устига гумбаз қуришларини буюради. Шундан сўнг шаҳарда унга хайрихоҳ кишилар кўпаяди ва улар Темур билан сулҳ тузишни ташвиқот қиладилар. Дарҳақиқат, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Али Яздий Боб-ус-Сағир олдида унинг иккита қубба қурдирганлигини баён қиладилар.

Яна бир туркум тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккаи мукаррамага — ҳаж ибодатини адо этишга боратган норози бўлиб келган Тўхтамишхон ва Идиқунинг Темур ҳузурига бош уриб келишидан «оқилона» фойдалана билган. ***Темур қаерда ҳозир бўлмасинда, ўша ерда ўзига «ҳайрихоҳ», итоатли дастёрлар топа олар эди ва уларнинг хизматидан фойдалана биларди***.

Мазкур давр Оврупасида ғоят кенг тарқалган **сулолавий никоҳ анъаналари** қадимги Шарқ дипломатиясидан ибтидо олган Ўрта асрлар дипломатиясида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, ***Амир Темур ҳам бу усулдан етарлича фойдаланган.*** Хоразм шоҳининг қизи Хонзоданинг Мироншоҳга никоҳланиши, Хуросондаги йирик куч бўлган куртлар сардори Ғиёсиддин Пир Алига ўз жиянини узатиш, Шоҳ Шужоънинг қизини келинликка сўралиши дипломатик мақсадлардан ҳоли бўлмаган, албатта.

Амир Темур дипломатиясининг асосий тамойилларига келсак, булар халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ принципларига тўла мос тушишини яққол кўрамиз.

Амир Темур элчи ва элчилик дахлсизлиги тамойилига қаттиқ амал қилди ва ўз мулоқотдошларидан ҳам шуни талаб этди. «Элчига ўлим йўқ» шиори унинг асосий матлаби бўлиб қолди.

—дейди.

Шимолдан кучли хавф солаётган Олтин Ўрда хони Ўрусхон (1361-1380 й.й.) даргоҳидан норози бўлиб келган Тўхтамишхон ва Идиқунинг Темур ҳузурига бош уриб келишидан «оқилона» фойдалана билган. ***Темур қаерда ҳозир бўлмасинда, ўша ерда ўзига «ҳайрихоҳ», итоатли дастёрлар топа олар эди ва уларнинг хизматидан фойдалана биларди***.

Мазкур давр Оврупасида ғоят кенг тарқалган **сулолавий никоҳ анъаналари** қадимги Шарқ дипломатиясидан ибтидо олган Ўрта асрлар дипломатиясида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, ***Амир Темур ҳам бу усулдан етарлича фойдаланган.*** Хоразм шоҳининг қизи Хонзоданинг Мироншоҳга никоҳланиши, Хуросондаги йирик куч бўлган куртлар сардори Ғиёсиддин Пир Алига ўз жиянини узатиш, Шоҳ Шужоънинг қизини келинликка сўралиши дипломатик мақсадлардан ҳоли бўлмаган, албатта.

Амир Темур дипломатиясининг асосий тамойилларига келсак, булар халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ принципларига тўла мос тушишини яққол кўрамиз.

Амир Темур элчи ва элчилик дахлсизлиги тамойилига қаттиқ амал қилди ва ўз мулоқотдошларидан ҳам шуни талаб этди. «Элчига ўлим йўқ» шиори унинг асосий матлаби бўлиб қолди.

Темур тасарруфига олинган мулкларда нафақат элчилар ҳаёти, балки уларнинг мол-мулки, от-улови, анжом-ашёлари ҳам дахлсиз ҳисобланган. Испания қиролининг элчиси Клавихонинг хотираларида бунга яққол мисоллар учрайди. «Элчиларнинг бирор нарсаси йўқолса ўша жой маъмурлари товон тўлашлари лозим эди», деб ёзади у.

Бундан ташқари, бу сарҳадларда элчилик ва чопарлик фаолиятларини тез ва беҳалал амалга ошувини таъминлаш учун кенг имконият ва воситалар яратилади.

Темур дипломатиясининг бошқа бир тамойили бу тузилган битимга ва аҳдга вафо қилиш, унинг шартларига риоя этиш принципидир.

Қадимги Римда ўз ваъдасининг ижросига ўз жонини гаров қилиб тиккан Регул тўғрисидаги афсона машҳур эди. Кейинроқ, **pacta sunt servanda** (пакта сунт серванда — шартномаларга риоя қилиниши керак) тарзида дипломатия тилига кирган бу тамойил халқаро муносабатлар саҳнида муҳим аҳамият касб этди. Темур қайси ҳукмдор билан битим тузса ёки сулҳи-сафога борса, унга содиқ қолган. Бу тамойил ижросини Темур фаолиятининг турли даврларида кўриш мумкин. Унинг

1

Амир Ҳусайн билан аҳду-паймони бунинг яққол далилидир. Аҳдга вафо қилиш нафақат мамлакат ташқи алоқалари учун, балки давлат ички тартиботлари учун ҳам муҳим эканлигини Амир Темур чуқур англаб етган: «Қайси подшоҳ дин арконларига риоя қилишда сусткашлик қилса, унинг давлати доимо тебраниб ва чайқалиб туради. Халойиқ қайси маликнинг бузилмас аҳду паймонига ва вафосига суянса, унинг мулки доимо обод, лашкари кўп бўлади» — дейилади Тузукларда.

Темур дипломатиясининг кейинги энг муҳим принципи — хушмуомалалик, мулоқотдошига назокат ва лутф ойинида бўлиш тамойилидир. Бу принципнинг халқаро муносабатлардаги катта аҳамиятини таъкидлаб **Жон Кеннеди** *«хушмуомалалик — заифлик аломати эмас»*, деб кўп такрорлар эди. **О.Бимарк** эса «ҳатто уруш эълон қилинаётганда хушмуомалалик принципига риоя этилиши кераклигини» эслатган эди.

Элчи чопарлар билан олиб борилган жонли мулоқотларда хушмуомалалик тамойили элчиларнинг ширин ва латиф, мухтасар, лекин сермазмун, дақиқ, жозибали сўзлари билан ифода этилган. Шунинг учун ҳам элчиларнинг нотиқ ва сўзамол бўлиши зийнат ҳисобланган. Бу тарихимизнинг Х-асрида ёзилган «Қутадғу билиг» асарида аллақачон эслатиб ўтилган эди:

«Йалавоч иши кўп неча сўз бўлур, Сўзи йахши бўлса, тилекин бўлур» (Элчининг иши сўзлар билан битади, Сўзи яхши бўлса, у тилагига етади).

Шундан келиб чиққан ҳолда, хушмуомалалик тамойил сифатида жуда қадимдан, айниқса, шарқда одат тусига кирган.

Бу принцип Амир Темур мактубларида ҳам ўз аксини топган.

Соҳибқирон дунёнинг турли тарафларига мактублар йўллаб катта-кичик султонлар, ҳукмдорлар ва ноибларни ўз мулоқотига чорладики, уларнинг қамрови Хуросон, Эрон, Кавказ сарҳадлари-ю бутун Кичик Осиё, Оврупа юраги ва кенгликларидан то Чину-Мочинга қадар ўлкаларни ўз ичига олади.

Мактубларнинг барчасини йиғсак, уларнинг сони 100 дан ошиб кетиши аниқ. Мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳамда мақсадига кўра, бу мактублар кескин фарқланади.

Амир Темур томонидан ёзилган мактублар, асосан форс тилида битилган. Чунки, форс тили тараққий этган ўрта асрлар (Х-XV асрлар) босқичида дипломатия тили (эр.ав. II-I минг йилликда Кичик Осиёда аккад тили; Оврупа ўрта асрларда лотин тили бўлгани каби) ҳисобланар эди.

Оврупага йўлланган форс тилидаги мактубларнинг аксари туркча сўз — «Амир Темур Кўрагон сўзимиз» — лафзи билан бошланган. Оврупаликлар бу жумланинг маъносини тушунмай, бу унинг унвони бўлса керак, деган ўйда «Кўрсан сўсмиз» дея «ўхшатганлар». Миср султонлари ва уларнинг Суриядаги ноибларига юборилган хатлар эса араб тилида битилиб, кўплаб Қуръони карим оятлари келтирилган.

Масалан, Барқуққа етказилган хат араб тилида сажж услубида битилиб, унда 7 та оят келтирилган. Барқуқ жавобида ҳам 9 та оятга мурожаат бор. Бу билан мактубларга ралар, макнун ишоралар ва истеҳзолар билан «жиҳозланиб» иншо этилган. Улар мазмун жиҳатдан балоғатли бўлиб, юксак савияда битилган. Баъзи хатларда шиддатли таҳдид очиқ кўриниб туради. Бироқ, Амир Темур ўз душманига нисбатан ҳақоратли сўзлар, унинг шахсини камситувчи лақаб ёки бошқа ножўя исмлар ишлатмайди. Аксинча, уларда шарқона одобу тамиз, сокинлик, вазминлик, лутф уфуриб туради.

Бу мактублардан яна шу нарса аёнки, Амир Темур қайси ҳукмдорга мактуб йўлласа, ўша мамлакат қайфиятига мос сўзларни, ҳукмдорлар шаънига ўзлари учун хос бўлган унвонлар танлай билади. Демак, унинг саройидаги мирзалар география, тарих, этнография соҳасида чуқур билимга эга бўлган ва кенг маълумотлар хазинасини бунёд этганлар.

Амир Темур саройида ўша давр руҳи ва қайфиятига мос дипломатик қонун-қоидаларнинг тадқиқ этилиши ҳам илмий нуқтаи-назардан арзигулик ва қизиқарли масаладир.

«Темур тузуклари»да салтанат саройида юриш-туриш қоидалари, вазирлар, амирлар, уламо ва бошқа тоифа кишиларининг тахт атрофида жой олиш тартиби, шунингдек, элчиларни қабул қилиш маросимлари қатъий белгилаб берилган.

2

Сарой урф-одатлари ҳақидаги маълумотлар Клавихонинг кундалигида ҳам атрофлича келтирилади. Унга кўра **элчилар таъзим билан чекланиши керак, шоҳ қўлини ўпиш мумкин эмас.** Икки давлат орасидаги муносабатларнинг қандайлигидан келиб чиқиб, элчиларга ҳам тегишли илтифотлар кўрсатилган. Испан элчиси Клавихо ўз асарида Хитойдан ўлпон талаб қилиб келган Мин императорининг элчилари бошқа мамлакатлардан келган элчилардан кейинги ўринларга ўтказиб қўйилганини эслатиб ўтган эди.

Элчилик муносабатлари доимо совға-саломлар билан олиб борилар эди. Совғалар албатта, қимматбаҳо, камёб ва турли-туман бўлиши керак эди. Баъзан, бу совғаларнинг қабул қилинмаслиги ҳам эҳтимолдан узоқ бўлмаган.

Совғалар хилма-хил бўлиши билан бирга маълум санокда бўлиши ҳам талаб этилар эди. «Ҳадя тақдим қилаётганда чиғатойликларнинг одати шундай эдики, улар ҳадя тақдим қилинадиган кишиларнинг ҳурмат ва эътиборини қозониш учун туҳфанинг ҳар қайсисидан тўққизтадан қилардилар». Элчиларнинг совғалари қабул қилингач, кейин уларнинг ўзлари қабул қилинган. Бунинг тасдиғи сифатида уларга чопон — хилъат ва шоҳ камари тақдим этилган. Элчилар гарчи, Амир Темур томонидан қабул қилинса-да, уларнинг шоҳга бевосита мурожаат қилишлари мумкин эмас ва уларнинг мактублари ҳам хос кишилар томонидан топширилган. Амир Темур саройига ташриф буюраётган элчилар, шубҳасиз бу қоидалардан воқиф бўлганлар. Дипломатик протокол қоидалари ва дипломатик этикет ақидаларини ўз ўрнида тўла адо этиш Темур саройига ташриф этган элчиларнинг ўз миссияларини муваффақиятли адо этишларига имкон берганлиги, шубҳасиз.

Амир Темурнинг дипломатик фаолиятини таҳлил этар эканмиз, унинг бир қатор хос хусусиятлари ва жиҳатларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Бу жиҳатлар мазкур давр муҳитидан, кайфиятидан ва шу билан бирга Темур шахсининг хос хусусиятларидан келиб чиқади. Чунончи, Амир Темурнинг топқирлиги, уддабуронлиги, зийраклиги, вазминлиги, кенг билим соҳиби эканлиги, майдонни яхши кўра олиш истеъдоди ва вазиятни тўғри баҳолай олиш иқтидори бу жиҳатларни кўпроқ белгилайди, десак янглишмаймиз.

Бу жиҳатлар қуйидагилар:

Кенг қамровлиги. Амир Темур ғоят қисқа вақт ичида (1370-1405) жуда кенг маконий кенгликдаги давлатлар билан мулоқот олиб борди. Шарқда Хитой билан савдо ва дипломатик муносабат ўрнатилиб, 1389-1398 йиллар ичида Хитойга 9 марта элчилик хизмати жўнатилди. Бу анъана Шохруҳ ва Улуғбек даврида ҳам давом эттирилди. 1403 йилдан 1449 йилга қадар Самарқанддан 33 та, Хоразмдан эса 14 та дипломатик миссия Хитойга юборилган.

Кичик Осиёда XIV асрнинг 80-йилларида кучли давлат бўлиб қолган Миср Султонлиги ҳукмдори Султон Барқуқ ва унинг ўғли Султон Фараж билан ҳамда уларнинг Суриядаги ноибликлари билан 1386-1405 йиллар оралиғида 25 маротаба элчилик ва мактублар айирбошлаш амалга оширилган.

Ғарбда яна бир қудратли давлат — Туркия султони Боязид билан 10 мартага яқин мактуб айирбошлаш ва элчилик алмашуви, Европанинг катта-кичик давлатлари Генуя, Венеция, Пера, Византия ва бошқа давлатлар, шаҳарлар, қолаверса, Олтин Ўрда билан олиб борилган такрор дипломатик алоқалар кўлами фикримизни исботлайди.

Темур дипломатиясининг яна бир ўзига хос жиҳати бу унинг ***изчиллигидир***. Буни ҳам техникавий-воситавий маънода, ҳам узоқни кўзловчи, мақсадли, стратегик фаолият сифатида тушуниш мумкин.

Темур даврида унинг тасарруфи остидаги ҳудудларда мукаммал алоқа тизими ишлаб чиқилдики, бунинг натижасида элчилик ва чопарлик фаолиятларини мунтазам амалга ошириш имконияти таъминланди. Чунончи, жуда кенг майдонда сиёсий кучлар мувозанатини бошқариш, сиёсий вазиятни зийраклик билан кузатиш ва тўғри баҳолай олиш зарур бўлган хабар-ҳилоятлар ва янги-янги маълумотлар шу алоқа тизими орқали оқиб келарди. «Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларким, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик».

Шунингдек, Клавихо хотиралари Амир Темур саройида элчилик мулоқотлари ва ёзишмалари билан шуғулланувчи хос кишилар, девонлар мавжудлиги ва муайян қабул маросимлари ишлаб чиқилганидан хабар бериб, Амир Темур дипломатияси ташкилий томондан ҳам пухта ишлаб чиқилганидан шоҳидлик беради.

Ўта эҳтиёткорлик Темур дипломатиясига хос бўлган қиррадир. Ташқи сиёсат масалалари ғоят сир сақланган. Баъзан унинг қўшини бир томонга йўл олса, унинг ўзи қарши тарафга йўналган пайтлар ҳам бўлган. Унинг кейинги фикрини ҳеч ким илғай олмас эди. Арабшоҳ айтганидек, «Унинг тадбир тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топилар эди».

Темур мактубларида ҳам бу эҳтиёткорлик сезилиб туради. Ҳукмдорларга мурожаат, талаб ва мақсадлар баёни ғоят сиполик билан ирод этилади.

Темур дипломатиясидаги яна бир ўзига хос жиҳат — бу унинг ***ташаббускорлик*** хусусиятидир.

Қадимги Грек дипломатиясининг демократик табиати, Рим дипломатиясининг такаббурлиги, Ўрта асрлар дипломатиясининг найрангбозлиги олдида у ўзининг ташаббускорлиги, шиддати, шижоати билан ҳам ажралиб туради. Айниқса, бу жиҳат Соҳибқироннинг Миср султонлари ва унинг ноибликлари, Оврупа мамлакатлари билан қилган мулоқотларида намоён бўлди.

Дипломатияда ташаббускорлик тинчлик, сулҳи-сафо, келишув томон ташланган энг катта қадамдир. Шу ўринда Темур тузукларидан жой олган ва Соҳибқирон бутун умри давомида амал қилган қуйидаги сўзлар ёдимизга тушади: «Қайси ишни чора-ю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим». Дарҳақиқат, бу унинг асосий шиори ва матлаби эди.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси.

3

МИЛЛАТ ВА ЁШЛАР

ТАРБИЯ — БАРЧАНИНГ ВАЗИФАСИ

Японларда ажойиб одат бор: ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, билим даргоҳларида иш ва ўқиш бошлашдан аввал юрт мадҳияси ижро этилар экан. Бу албатта юртга, мамлакатга содиқлик рамзи, деб баҳоланади.

Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда иқтидорли ёшларнинг муносиб ўрни бор. Бу борада деновликлар ҳам астойдил саъй-ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, туман халқ таълими бўлимида барча имкониятлар ёшларнинг Ватанга, элга, юртга содиқ фарзандлар бўлиб вояга етишишларига сафарбар этилган. 87 та умумий таълим, 48 та мактабгача тарбия муассасаларида ҳафтанинг душанба куни Давлатимиз байроғи кўтарилиб, юрт мадҳияси ижро этилади. Шанбада эса байроқ туширилади. Бу ўзига хос анъана ёш авлоднинг тарбиясига, ватанпарварлик туйғусининг шаклланишига, шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатади.

Туманда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тўғрисидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш тадбирлари ҳам кўнгилдагидек. 4,5 мингдан ортиқ устоз 69428 нафар ўқувчига таълим-тарбия беряпти.

— Замон ўзгарди, юртимиз жаҳон миқёсида ўз ўрнини топмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлим мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Юсуф Сапиев. — Шундай экан, ёш авлодни билимли, юртпарвар ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш янада муҳим аҳамият касб этиши табиий. Бу соҳада 30 йилга яқин меҳнат қилаётган бўлсам, бугунги ёшларни кечаги авлодга асло қиёслаб бўлмайди, деб дадил айтишим мумкин. Мустақиллик фарзандларининг онгу шуури, интилиши, билимга чанқоқлиги, юртга фидойилиги бошқача. Фақат уларнинг интилишига мос шароит яратолсак бас. Шу боис, туманда компьютер синфларини ташкил этиш, фан кабинетларини жихозлаш, кўргазмали қуроллар билан дарс ўтишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги икки йил давомида 20 та мактаб компьютерлаштирилди. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларига қараб, касбга йўналтириш, педагогик ва психологик ташҳис марказлари фаолият

кўрсатяпти. «Одобнома», «Одобнома сабоқлари», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» каби фанлар ҳам қўшимча дарс сифатида ўқитилмоқда.

— Мурғак қалб ҳар бир нарсани тез илғайди, — дейди мудир ўринбосари Бўри Фармонов. — Шу боисдан ҳар доим, ҳар биримиз ёшлар тарбиясида масъул, эканимизни унутмаслигимиз муҳим. Бежиз бир болага етти маҳалла ота-она дейилмаган. Ота-оналар, маҳалла раислари, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида тушунтириш, тарғибот ишларини ташкил этаётганимиз ҳам шундан. Бу ўз самарасини бермоқда. Ўтган ойлар мобайнида ўқувчилар ўртасида умуман жиноят содир этилмади.

Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. С.Отабоев номли ширкат хўжалигида қаровсиз қолган «Маданият уйи» бўларди. Халқ таълими бўлими уни ўз тасарруфига олди. Ҳомийларнинг саъй-ҳаракати билан таъмирланиб, «Устоз ва шогирдлар» уйига айлантирилди. Вилоятда ягона ҳисобланган ушбу масканда «Маънавият ва маърифат» хонаси, музей, мажлислар зали бор. Икки йилда «Ҳазарбоғ» ширкат хўжалигида 120 ўринли, И.Тўраев номли хўжаликда эса 140 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. 32,5 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу билим масканлари хўжаликларнинг ҳомийлигида бунёд этилди.

Хуллас, Денов туман халқ таълими бўлимида ибратли ишлар оз эмас у ёнада кўпайиб, мазмунан бойиб бораяпти. Муаммоларни ҳал этишда ҳокимлик ҳам четда қўл қовуштириб тургани йўқ. Чунки мақсад битта: ёшлар тарбияси — барчанинг вазифаси.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

СПОРТ

«ҚИЗИЛҚУМ» БАРИБИР КУЧЛИ



Кеча футбол бўйича 2001/02 йилги Ўзбекистон кубоги 1/4 финал учрашувларининг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди. Унда «Андижон» — «Қизилқум», «Нефтчи» — «Зарафшон» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Дастлабки учрашувда «Андижон» жамоаси ўз майдонида меҳмонларга 1:4 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, кескин ўтган иккинчи ўйинда «Нефтчи» футболчилари зафар қучдилар — 2:0.

Мамлакат биллур совринининг ушбу босқичида ўтказилиши керак бўлган «Қизилқум-1912» — «Насаф» учрашуви қаршиликларнинг Осиё чемпионлари кубоги финал босқичидаги иштироки муносабати билан 23 апрелга кўчирилди. Мамлакат кубоги чорак финалининг жавоб учрашувлари 1 май куни ўтказилади.

(Суратда: *«Нефтчи» ҳужумчиси Умид Исоқов*).

АЛИШЕРНИНГ ЮТУҒИ

Спорт устаси, сайхунободлик Алишер Ортиқов номи мамлакатимиз шашкачиларига яхши таниш. Куни кеча Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Украина, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон давлатларининг спортчилари билан бир қаторда Алишер ҳам муваффақиятли дона сурди.

Вакилимиз 14 нафар қатнашчи орасида пешқадамликни қўлдан бермаган ҳолда мусобақа тугашига икки тур қолганида муддатидан олдин ғолибликни накд қилди. Алишер Ортиқов турнир якунида 11,5 очко тўплади. Қозоғистонлик Б. Бердибоев 9, Г. Сарсекеев 8,5 очкодан жамғариб, кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. Шу кунларда вакилимиз келгуси ойда Голландияда ўтадиган халқаро турнирга ҳозирлик кўрмоқда.

■ Эркин ХОЛБОБО

ЁШ ТАЭКВАНДОЧИЛАР УЛҒАЙИШМОҚДА

Ғаллаорол туман прокуратурасининг ёшлар билан ишлашдаги фаолияти вилоятда кенг тарғиб қилинса арзийди. Туманда кейинги йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик камаймоқда. Бунинг боиси бор. Туман прокурори Саидмурод Шерназаровнинг ўзи ташаббус билан чиқиб, Саноат касб-ҳунар коллежида таэквандо клубини ташкил қилди. Бугунги кунда бу ерда 500 дан зиёд ёшлар шуғулланмоқда.

— Қилган саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади, — дейди туман прокурори С.Шерназаров. — Яқинда Жиззах шаҳрида «Ўзбекистон ёшлари наркоманияга қарши» шиори остида 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида таэквандо бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди. Унда ғаллароллик ёшлар умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни олиб, тўртта бронза медалини қўлга киритди.

— Келажакда барча хўжалик марказларида ҳам таэквандо клубларини очмоқчимиз, — дейди жамоа мураббийси Олимжон Зокиров. — Мақсад — ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган.

■ (Ўз мухбиримиз)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2002 йил 14,21 май кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғани Мавлонов кўчаси, 1-«А» манзилида жойлашган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти балансидаги 7-сонли ётоқхонанинг фойдаланилмай турган 1238,4 м² бўлган қисми.

Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.

2002 йил 14,21 май кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига сармоя киритиш шарти билан қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Сафдош» кўчаси, 4-уйда жойлашган, Яккасарой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 427-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 11 534,0 минг сўм.

2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Раҳмат кўчаси, 27-уйда жойлашган 38-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 11 566,5 минг сўм.

ТАНЛОВ САВДОСИДАН БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИ СОТИБ ОЛИШНИНГ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
2. Амалдаги талаб ва меъёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш;
3. Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнғинга қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш;
4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;
5. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 14 майда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 21 майда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17
www. uzrkmb. com

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АСАКА» БАНК

СИЗЛАР УЧУН

Бўш пул маблағларингизни депозит сертификатларга қўйиш имкониятини қуйидаги шартлар асосида таклиф этади:

Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган.

«Асака» банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўланиши бўйича кафолат беради.

Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.

«Асака» банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз «Асака» банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларидан бевосита олишингиз мумкин.

Шу билан бирга, «Асака» банкининг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сертификатларни сотиб олишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
9 ойга	25%
6 ойга	24 %
3 ойга	22 %
1 ойга	20 %

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

Сертификат муомаласи муддати	Фоиз (йиллик) ставкаси
6 ойга	40 %
3 ойга	36 %

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БАНК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИ.

Бош офис: Тошкент ш.; Нукус к., 67-уй, телефон: 120-82-26.
Тошкент шаҳар бўлими: Тошкент ш., А.Қаҳҳор к., 73-уй, телефон: 120-83-73.
Автотранспорт филиали: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 14-уй, телефон: 120-81-97.
Тошкент вилоят филиали: Тошкент ш., И.Оқилов к., 40-уй, телефон: 120-84-08.
Юнусобод филиали: Тошкент ш., Чимкент тракти, 79-уй, телефон: 125-11-06.
Сирғали филиали: Тошкент ш., Массон к., 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали: Тошкент ш., Навоий к., 18-уй, телефон: 120-84-31.

ҲУРМАТЛИ ЛОТЕРЕЯ ИШҚИБОЗЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви банк томонидан муомалага чиқарилган «Совға» пул-ютуқли лотерея билетлари тўлиқ сотиб тугатилганлиги муносабати билан ютуқли лотереяларнинг 2002 йил 15 майга қадар тўловга қабул қилинишини маълум қилади.

Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари бўйича ютуқлар тўланмайди.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
173-69-15,
173-69-16,
173-69-19

ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН!

БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА

томонидан чиқарилган баҳоси 100 сўм қийматидаги «Бахт қуши», «Спринт» лотерея ўйини тугатилганлигини маълум қилади.

Ютуқлар 2002 йил 1 июлга қадар берилади. Кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар тўланмайди.

БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Темирйўлчи» газетаси бош муҳаррири Сувонқул Рустамовга отаси

Рамазон РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси жамоаси мажмуа докторанти, техника фанлари номзоди

Носиржон Сойибович НЕГМАТОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'gli

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA